


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



**5410200 – Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
таълим йўналиши негизидаги:**

**-5A410201 – Агрономия магистратура мутахассислигига қирувчилар
учун махсус (ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Тошкент – 2021 й.

Аннотация

Дастур 5А410201-Агрономия, магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5410200 Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим йўналишининг 2019-2020 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

Тузувчи:

Б.Насиров - ТошДАУ “Деҳқончилик ва мелиорация” кафедраси мудири, к.х.ф.д., профессор

Такризчилар:

У.Норқулов – ТошДАУ “Деҳқончилик ва мелиорация” кафедраси профессори, к.х.ф.д., профессор

Ф.Намозов – ТошДАУ “Соя ва мойли экинлар” кафедраси мудири, к.х.ф.д., катта илмий ҳодим

Дастур ва баҳолаш мезони Тошкент давлат аграр университети Илмий Кенгашининг 2021 йил “3” июлдаги 14-сонли баёни билан муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия қилинган.

КИРИШ

5410200 – Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим йўналиши-қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йўналиш бўлиб, у қишлоқ хўжалигида ерга ишлов беришдаги агротадбирларни ўтказида, экинларни экишдан то пишиб етилгунга қадар парваришlash, ўсимликлар устида бометрик кузатувларни олиб бориш агротехнологияларини ўз ичига оладиган, экинларни суғориш муддатлари, суғориш меъёрлари ҳамда суғоришга бериладиган сув сарфи аниқлаш ва оқилона фойдаланиш каби соҳа усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларининг вазифаси талабаларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида эгаллаган билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда амалиётда олган билимларини дала тажрибалари асосида ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, олиб борган тадқиқотлар бўйича республикамиз минтақаларига мос ҳамда фермер хўжаликлари, агрокласетрларига керакли тавсиялар беришдан иборатдир.

5410200 Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим йўналиши негизидаги 5А410201-Агрономия, магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 4 та ихтисослик фанлари бўйича “Деҳқончилик” ва “Мелиорация” “Минтақавий деҳқончилик тизимлари”, “Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш”, фанлари бўйича тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

Деҳқончилик фани бўйича:

Фаннинг мақсади, вазифаси. Республика деҳқончилигининг ҳозирги ҳолати, муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Деҳқончилик фанининг ривожланиш тарихи. Деҳқончиликни ривожланишида олимларнинг роли. Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари ва деҳқончилик конунлари. Маданий ўсимликларнинг ёруғлик, ҳарорат, ҳаво, озиқ ва сувга бўлган талаби. Деҳқончиликнинг минимум (минимум, оптимум, максимум), ҳаёт омилларини биргаликда таъсир этиш, тупроқдан олинган моддаларни қайтариш, ҳаёт омилларининг тенг аҳамиятлилиги ва бир-бирини алмаштира олмаслиги конунлари ва уларнинг деҳқончиликдаги аҳамияти. Тупроқ унумдорлиги ҳақида тушунча. Табиий, сунъий, потенциал ва самарали унумдорлик тушунчалари. Тупроқ унумдорлигини ошириш усуллари. Тупроқ маданийлиги. Тупроқни маданийлаштиришнинг: агрофизикавий, агрокимёвий ва биологик усуллари. Тупроқдаги органик моддалар ва уларнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти. Тупроқнинг агрофизик хоссалари ва уларнинг деҳқончиликдаги аҳамияти.

Тупроқ структураси ва унинг аҳамияти. Тупроқ структурасини бузувчи омиллар. Тупроқ структурасини бузилишини олдини олиш. Тупроқ структурасини тиклаш усуллари. Ҳайдалма қатлам тузилиши. Тупроқ тузилишининг ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири. Ҳайдалма қатлам тузилишини яхшилаш усуллари. Ўсимлик ҳаётида ва тупроқда сувнинг аҳамияти. Тупроқдаги намликнинг асосий манбалари, сув шакллари. Тупроқнинг сув хоссалари. Сув режимини бошқариш усуллари. Тупроқнинг сув режимини бошқаришда сувни тежовчи технолодиялар. Тупроқнинг ҳаво режими ва уни бошқариш усуллари. Ўсимлик ҳаётида атмосфера ҳамда тупроқ ҳавосининг аҳамияти ва унинг кимёвий таркиби. Тупроқ ҳаво режимининг унинг дондорлигига, намлигига, ишлов берилишига ва сув режимига боғлиқлиги. Ҳаво режимини бошқариш усуллари. Тупроқнинг иссиқлик режими ва уни бошқариш усуллари. Тупроқдаги иссиқлик манбалари. Ўсимликлар уруғларининг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланишида иссиқликка бўлган талаб. Ўсимликлар учун керак бўлган минимал, максимал ва оптимал ҳароратлар. Уларнинг микроорганизм ва органик моддаларга таъсири. Иссиқлик режимини бошқариш усуллари. Қишлоқ хўжалиги экинларининг озиқ элементларига бўлган талаби. Ўсимликлар ҳаётида макро ва микроэлементлар ҳамда микроорганизмларнинг роли. Азот, фосфор ва калийнинг ҳамда дондуккаки ўсимликларнинг роли, алмашлаб экишнинг аҳамияти. Тупроқни озиқ режимини бошқариш усуллари. Бегона ўтлар ҳақида тушунча, уларнинг зарари ва биологик хусусиятлари (серуруғлиги, уруғлар унувчанлигини узок йиллар давомида сақланиши, уруғларни ҳар хил муддатларда униб чиқиши), мослашган бегона ўтлар. Бегона ўтларнинг кўпайиши ва тарқалиш йўллари. Бегона ўтларнинг классификацияси (биологик гуруҳлари). Озиқланиш усулига қараб - текинхўр (паразит) ва нопаразит бегона ўтлар. Текинхўр бегона ўтлар (ҳақиқий ва ярим текинхўр) ва уларнинг вакилларига тавсиф. Поя паразитлари. Илдиз паразитлари. Нопаразит бегона ўтлар. Бир йиллик ва икки йиллик бегона ўтлар. Кўп йиллик бегона ўтлар. Бегона ўтларни ҳисобга олиш усуллари ва далаларни бегона ўтлар билан ифлосланганлик харитасини тузиш ҳамда унинг аҳамияти. Бегона ўтларни чамалаб ҳисобга олиш. Бегона ўтларни аниқ усулда ҳисобга олиш. Тупроқни бегона ўтлар уруғи билан ифлосланганлигини ҳисобга олиш. Бегона ўтлар тарқалишини олдини олувчи, қирувчи ва карантин тадбирлар. Агротехник, биологик, ва махсус кураш чоралари. Бегона ўтларни йўқотишда кузги шудгорнинг аҳамияти. Экишдан олдин ва қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш. Биологик кураш чоралари ва алмашлаб экишнинг аҳамияти. Гербицидлар классификацияси, қўллаш усуллари ва муддатлари. Пахтачиликда қўлланиладиган гербицидлар.

Ғалла экинлари ва шолида қўлланиладиган гербицидлар. Ем-хашак, сабзавот ва бошқа экинларда қўлланиладиган гербицидлар. Гербицидларни қўллашда эҳтиёт чоралари. Ерга ишлов беришнинг умумий масалалари, мақсади ва вазифалари; ерга ишлов бериш қуроллари ва ерга механикавий таъсир этиш. Ерни ишлашдаги технологик жараёнлар: қатламни ағдариш, юмшатиш, аралаштириш, зичлаш, текислаш, эгат, чеклар олиш. Плуг турлари, тузилиши. Отвал (ағдаргич) ларнинг турлари. Уларнинг ишлаши ва вазифаси. Ерни икки ярусли плугда ҳайдаш. Қатламни ағдармай ерни ишлаш. Тупроқнинг технологик хусусиятлари. Ерни ишлаш сифатига таъсир этувчи омиллар. Ерни ҳайдаш муддати, чуқурлиги ва агрегат тезлиги. Ҳайдаш усуллари, далаларни загон (тахта) ларга бўлиб ҳайдаш, загонларни навбатлаб ичкарига ва ташқарига қараб ағдариб ҳайдаш, айланма плугларда ҳайдаш. Ерни юза юмшатиш. Ерни лушчильник, чизел-культиватор, “зиг - заг” борона, дискли борона, мотиға каби қуроллар билан юза юмшатиш. Ерни юза юмшатишнинг сифати. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда кузги шудгорнинг аҳамияти. Кузги шудгори ўтказиш муддатлари, чуқурлиги. Ерни кузда икки ярусли плугда ҳайдаш. Ҳайдаш чуқурлигини табақалаштириш, ҳайдалма қатлам қалинлиги ва уни ошириш усуллари. Баҳорги ҳайдов. Ерни баҳорда ҳайдаш сабаблари. Баҳорги ҳайдовнинг ташкилий жиҳатдан камчиликлари. Тупроқ унумдорлигини оширишда бедапояларни ҳайдашнинг аҳамияти, уни ўтказиш муддати, чуқурлиги. Бедапояни ҳайдаш. Бедапояларни ҳайдашда йул қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора тадбирлари. Анғиз ва уни ишлаш тизими. Ғалла экинларидан бўшаган ерларни шудгорлаш муддати ва уни сифатли қилиб ўтказиш тадбирлари. Лалмикор ерларда шудгор турлари ва уларни амалга ошириш. Лалмикорликда тоза шудгор - алмашлаб экишнинг асосий элементи. Банд шудгор, уни ўтказиш шароитлари ва етиштириладиган экинлар. Ерни ишлашда ресурс тежовчи технологияларнинг аҳамияти. Ерни ишлаш сонини минималлаштириш.

Тупроққа минимал ишлов беришда қўйилган агротехник талаблар. Тупроққа минимал ишлов беришнинг зарурияти. Тупроққа минимал ишлов беришнинг қўлланиш шароитлари. Тупроққа ишлов беришнинг ресурс тежовчи технологияси. Тупроққа ишлов беришнинг ресурс тежовчи технологиясини хориж деҳқончилигида қўлланилиши. Ерга экин экишдан олдин ишлов бериш. Ерларни жорий, қисман ва асосий текислаш. Тупроқни бороналаш, культивация қилиш, дисклаш, молалаш, далага ғалтак (каток) босиш. Уруғларнинг қийғос униб чиқиши учун шароит яратиш. Қишлоқ хўжалик экинларини экиш усуллари. қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида ва сифатли экишнинг аҳамияти. Сочма усулда экиш, кенг каторлаб экиш,

серуялаб экиш; қаторлаб, тўп - тўп қилиб экиш; ёппасига қаторлаб экиш; тор қаторлаб экиш; пуштага экиш, эгатга экиш, лентасимон экиш; уяларга белгиланган миқдорда уруғ экиш ва бошқалар. Экиш муддатлари, чуқурлиги, уруғ экиш миқдори ва ўсимликларни озикланиш майдони. Қатқалоқнинг ҳосил бўлиши ва унинг зарари. Қатқалоқни йўқотишга қаратилган тадбирлар. Қатор оралари ишланадиган экинларга ишлов бериш Культивация. Бегона ўтларга қарши кураш. Ўғитларни солиш. Суғориш эгатларини олиш. Ёппасига экилган кузги ва баҳорги экинларга ишлов бериш. Алмашлаб экиш, сурункасига экиш ва монокультура ҳақида тушунча. Алмашлаб экишнинг ривожланиш тарихи. Алмашлаб экишнинг агротехник ва ташкилий - хўжалик ҳамда иқтисодий жиҳатдан аҳамияти. Алмашлаб экиш классификацияси ва схемаси, ротацияси ҳамда ротация жадвали. Ўтмишдош экинларнинг аҳамияти, оралиқ ва сидерат экинлар. Алмашлаб экишни лойиҳалаштириш. Алмашлаб экишни тупроқ - иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиниши. Хўжаликларда алмашлаб экиш хиллари. Суғориладиган ерларда ғалла - ғўза - беда ва бошқа экинларни алмашлаб экиш турлари ва уларни жорий этиш. Лалмикор деҳқончиликда алмашлаб экиш. Деҳқончилик тизими ҳақида тушунча. Ибтидоий (примитив), экстенсив ва интенсив деҳқончилик тизимлари.

Деҳқончилик тизимининг ривожланиш тарихи ва аҳамияти. Деҳқончилик тизимларининг муҳим таркибий қисмлари. Алмашлаб экиш майдонлари ва тизимларини ташкил қилиш. Ўғитларни қўллаш, ерни ишлаш, бегона ўтлар, ўсимлик касалликлари ва зараркундаларига, қурғоқчиликка, сув ва шамол эрозиясига қарши курашнинг махсус чоралари, суғориш ва зах қочириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Илғор хўжаликларнинг ердан унумли фойдаланиш ва деҳқончилик маданиятини кўтариш тажрибалари. Тадқиқотларнинг мақсади ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти. Пахтачилик, лалмикор деҳқончилик, ғаллачилик, шолчилик, луб экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик соҳаларида ўтказилган илмий тадқиқод ишларининг тарихи. Тажриба муассасаларининг типлари. Илмий агрономиянинг асосий усуллари. Вариант, стандарт(назорат) ва тажриба тизими ҳақида тушунча. Кузатишлар ва эксперимент.

Тадқиқодларнинг лаборатория усули. Вегетацион усул. Лизиметрик усул. Муҳит сифатида сувдан, кумдан ва тупроқдан фойдаланиш. Вегетацион идишлар. Дала тажрибаси. Дала тажрибасига қўйиладиган талаблар. Дала тажрибасининг турлари. Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг хусусиятлари. Тупроқ-иқлим омилларининг ҳар хиллиги ва мавсумийлик билан боғлиқ бўлган ўзгарувчанлик(вариация). Тупроқ шароитининг бир хиллигига қўйиладиган талаблар. Ер танлаш ва тажрибага тайёрлаш. Ер

участкасига қўйиладиган талаблар. Ер участкасининг тарихи, тупроғи, рельефи. Ер участкасини таёрлаш ва ўрганиш. Дала тажрибаси услубиятининг асосий элементлари: вариантлар сони, тажриба бўлакларининг майдони, йўналиши, шакли, такрорлашлар ва такрорийлик, такрорлашлар ва вариантларни жойлаштириш тизими. Тажриба бўлакларининг майдони, йўналиши, шакли, ҳимоя полосалари ва уларнинг тадқиқод натижаларининг аниқлигига таъсири. Вариантларни жойлаштириш усулларининг классификацияси. Вариантларни жойлаштиришнинг стандарт, системали ва рендомизация(тасоддий) усуллари. Стандарт усули ва унинг камчиликлари. Вариантларни жойлаштиришнинг системали ва рендомизация усулларининг самарадорлиги. Рендомизация техникаси. Тўлиқ рендомизация. Латин квадрати ва тўғри тўрт бурчак. Ажратилган бўлақлар усули. Аралаштириш усули. Илмий тадқиқотларни бошқариш. Дала экспериментининг асосий уч босқичи: 1) режалаштириш; 2) дала тажрибасини ва унда кузатиш ҳамда ҳисоб-китобларни ўтказиш; 3) олинган маълумотларни ишлаш ва умумлаштириш. Режалаштириш ва унга қўйиладиган талаблар. Тадқиқодлар олдидан бажариладиган ишлар: 1) мавзунини танлаш, вазифа ва объектни аниқлаш; 2) қўйилган масаланинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш; 3) ишчи гипотезаларни олға суриш; 4) эксперимент услубияти ва тизимини ишлаб чиқиш. Бир омилли тажрибалар. Кўп омилли тажрибалар. Тажриба услубиятини, кузатишлар ва ҳисобга олишларни режалаштириш. Тажрибани қўйиш, ер участкасини такрорлаш ва вариантларга бўлиш. Тажриба майдонида агротехник тадбирларни ўтказиш тартиби. Дала ишларини бир вақтда сифатли ўтказиш. Ўғитларни солишга қўйиладиган талаблар. Тупроққа ишлов бериш, экинларни экиш ва уларни парвариш қилишга қўйиладиган талаблар. Ғўзада фенологик кузатувларни олиб бориш. Ғўза майсаларини униб чиқишини ҳисобга олиш. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олиш. Буғдой майсаларини униб чиқишини ҳисобга олиш. Буғдойнинг ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олиш. Ем-хашак, сабзавот, полиз ва бошқа экинларда фенологик кузатувларни олиб бориш. Ҳосилни ҳисобга олиш усуллари. Тадқиқот натижаларига бирламчи ишлов бериш. Танланган мавзу бўйича ишчи дастурни тузиш. Дала тажрибасининг бирламчи ҳужжатлари. Кундалик дафтар ва унга бирламчи маълумотларни киритиб бориш тартиби. Ишчи дафтарлар ва уларда олиб бориладиган ҳисоб-китоблар. Тажриба журнали - умумлаштирувчи ҳужжат. Тажриба журналига киритиладиган ёзувлар. Илмий ҳисобот, мақола, диплом(битирув малакавий) иши ва уларнинг бўлимлари. Математик статистиканинг вазифалари. Дисперсион таҳлил. Услубнинг асослари. Ўртача маълумотлар орасидаги фарқларни инобатга

олиниш даражасини боҳолаш. Бир омилли ва кўп омилли вегетацион тажрибалар натижаларининг дисперсион таҳлили. Бир омилли дала тажрибаларида маълумотларни дисперсион таҳлил қилиш тартиби. Бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар бўйича тажриба маълумотларини таҳлил қилиш. Кўп омилли дала тажрибалари маълумотларини дисперсион таҳлил қилиш. Корреляция ва регрессия.

Мелиорация фани бўйича:

Ўзбекистон Республикасида суғориладиган деҳқончиликнинг тарихи, ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар, мелиорация борасидаги қонун ва қарорлар. Республика бозор иқтисодиётига ўтишда мелиорациядаги ўзгаришлар, мелиорация-ни ўзлаштириш объектлари (иқлим, тупроқ, гидрогеологик ва гидрологик). Республиканинг сув хўжалик мажмуаси ва бу соҳадаги муаммолар, мелиорацияни турлари.

Тупроқ шўрланиш манбалари. Минералашган сизот сувлар ва уларнинг тупроқ шўрланишидаги роли. Сувларнинг тупроқ шўрланишидаги роли. Тузларнинг қайта тақсимланиши. Гидрогеологик зоналар. Шўр тупроқларнинг турлари, шўрхоқсимон ва шўрхоқ тупроқлар, шўртоб ва шўртобли тупроқлар. Шўр тупроқлар классификациялари, (ҳалқаро классификация, ФАО классификацияси ва қабул қилинган классификация). Шўр тупроқларни мелиоратив баҳолаш тартиблари. Тупроқ таркибидаги тузларни анализ қилиш методлари. Тузларни ўсимликларга таъсири сабаблари: а) бевосита тупроқларнинг физиологик куруқлиги, ўсимликларнинг минерал озикланишини бузилиши, ўсимликларнинг захарланиши. б) ишқорийликни бирдан ортиб кетиши: в) шўртобланиш таъсири. Қишлоқ хўжалик экинларини туз таъсирига чидамлилиги. Тупроқда тузларни йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдори. Экинларни туз таъсирига чидамлилигига таъсир этувчи омиллар ва уларни ошириш йўллари. Тупроқ сувлари, сизот, ер ости сувлари (босимли ва босимсиз) артезан сувлари. Сизот сувлар режими ва унга таъсир этувчи шароитлар. Сизот сувларининг тупроқ, сув-туз режими ва экинлар ҳосилига таъсири. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив режим-лари (автоморф, автоморф-гидроморф, гидроморф). Сизот сувларининг маъқул чуқурлик-лари ва уларни белгиловчи омиллар. Сизот сувлар мувозанати (баланси) ва уни ҳисоблаш формуласи. Тупроқнинг туз мувозанати (баланси) ва уни ҳисоблаш формуласи. Сизот суви ва туз мувозанати натижаларининг (ижобий, салбий, тенглик) аҳамияти. Тупроқ шўрланиши ва ботқоқланишининг олдини олиш ва унга қарши курашда Қўлланиладиган мелиоратив тадбирлар. Суғориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан тадқиқот қилиш ва баҳолаш (мелиоратив минтақалар, кичик

минтакалар ва гидромодул районлар бўйича). Суғориладиган ерларни мелиоратив назорати ва ердан фойдаланиш коэффициенти. Ерларни қулай мелиоратив ҳолатини таъминлаш учун қўланиладиган сув хўжалик тадбирлари. Сувдан режали фойдаланиш, сув оборотини қўллаш, суғориш тармоқларидан сувни филтрацияга сарфланишини камайтириш, сизот сувларидан экинларни суғоришдан фойдаланиш, тежамли суғориш усулларни қўллаш. Ерларни текислаш, унинг агротехник ва мелиоратив аҳамияти, турлари (капитал жорий, қисман). Ўрмон ихота дарахтлари экиш ва уларни мелиоратив аҳамияти (микроиклимга, эрозияга, сизот сувлар режимига таъсири).

Алмашлаб экишни ташкил этиш ва унинг мелиоратив аҳамияти. Фито мелиорантлар. Шўрланган ерларни ювиш, шўр ювиш самарадорлигига тупроқ, гидрогеологик, иқлим ва агротехник шароитларининг таъсири. Шўр ювиш муддатлари, усуллари ва ўтказиш техникаси. Шўр ювиш меъёрлари ва уни ҳисоблаш. (Зовурли ва зовурсиз шароитлар учун). Зовурлар уларнинг типлари ва вазифалари. Зовурлардан фойдаланиш тарихи, аҳамияти ва самарадорликлари. Очик горизонтал зовурлар. Зовурларнинг таъсири механизми. Зовурларнинг умумий ва иш чуқурлиги. Зовурларни режали жойлаштириш. Зовурлар чуқурлиги ва улар орасидаги масофа ва зовур оқимининг модули. Очик горизонтал зовурларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Очик зовурлардан фойдаланиш. Ёпиқ, зовурларнинг тузилиши, сув сингиш жараёни, қувурларни жойлаштириш чуқурлиги, нишаблиги, зовурлар орасидаги масофа, кузатиш қудуқлари. Зовурлар фаолиятининг ишдан чиқиш сабаблари. Тик (вертикал) зовурлар, уларнинг тузилиши. Зовур қудуқларини жойлаштириш тизими.

Коллектор – зовур тармоқларининг ишдан чиқиш сабаблари (гидрогеологик, иқлим, биологик омиллар, қурилиш жараёнидаги ва фойдаланиш давомида йўл қўйилган камчиликлар). Коллектор-зовур тармоқларни таъмирлаш (асосий ва жорий таъмирлаш ишлари). Шўрхоқ ва шўрхоқсимон ерлар ўзлаштирилган районлар. Шўрхоқ ва шўрхоқсимон шўртоб ва шўртобли ерлар, уларнинг мелиоратив ҳолати, ўзлаштириш технологиялари (зовурлаштириш, текислаш, кузги, қишки шўр ювиш, шоли экиб шўрини ювиш, ўзлашти-ришда қўланиладиган химиявий ва агромилиоратив тадбирлар). Ўзлаштирилган ерлардан фойдаланиш йўллари (дастлаб экинлар, асосий экинлар ва уларнинг агротехникаси алмашлаб экиш тизими, ўзлаштирилган ерларни мелиорация жиҳатдан назорат қилиш).

Тупроқларни ўзлаштириш ва ўзлаштирилиши мумкин бўлган тақир ва тақирли, гипсли, корбонатли тупроқлар, уларнинг мелиоратив ҳолати, ўзлаштириш технологияси, ўзлаштиришнинг ўзига хос усуллари (чуқур

юмшатиш, тилмалаш, минерал ва органик моддалар солиш). Ўзлаштирилган ерлардан фойдаланиш йўллари (дастлаб экинлар уларнинг агротех-никаси, алмашлаб экиш тизими, ерларни мелиорация жиҳатдан назорат қилиш).

Қумли ва қумлоқ тупроқлар тарқалган ўзлаштирилган районлар. Уларнинг мелио-ратив шароитлари. Қумликларни мустаҳкамлаш ва дарахтзорлар барпо қилиш. Қумлик-ларни кучига қарши қўланиладиган агротехника тадбирлари. Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларнинг тарқалиши, тупроқ турлари, хоссалари ва шўрланиш ҳолати. Тупроқни чуқур юмшатиш ва муаққат зовурлардан фойдаланиш. Кимёвий ва органик моддалардан фойдаланиш. Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларни ўзлаштиришда экиладиган дастлабки экин турлари ва уларни етиштириш агротехникаси. Сув ва шамол эрозияси. Тарқалиш минтақаси, вужудга келиш сабаблари. Сув ва шамол эрозиясини олдини олиш ва қарши кураш тадбирлари (агротехник, ўрмон техник ва гидротехник). Суғориш натижасида юзага келадиган ирригация эрозияси ва уни олдини олиш ҳамда қарши кураш тадбирлари. Ўзбекистонда сел оқими тарқалган худудлар ва селнинг қишлоқ хўжалигига келтирадиган зарари. Сел оқими ҳосил бўлиш омиллари. Сел оқимини олдини олиш ва қарши кураш тадбирлари (агроўрмон, агромилиорация ва гидротехник тадбирлар).

Минтақавий деҳқончилик тизимлари фани бўйича:

«Минтақавий деҳқончилик тизимлари» фанининг мақсади ва вазифалари. Деҳқончилик тизимининг илмий асослари ва классификацияси. Деҳқончилик тизимининг тарихий шакллари. Деҳқончиликнинг ибтидоий, экстенсив ва интенсив тизимлари. Ҳозирги даврда қўлланилаётган деҳқончилик тизимлари. Ҳозирги даврда қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг таркибий қисмлари. Ташкилий-иқтисодий, агротехник ва агромилиоратив тадбирлар мажмуаси. Лалмикор ва суғориладиган ерларда қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг таркибий қисмлари бўйича ўхшашлиги ва фарқ қилиши. Деҳқончилик тизимини таркибий қисмлари бўйича такомиллаштириш йўллари. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда тупроқ-иқлим шароити, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари, хўжаликнинг географик ўрни, ер, сув, техника ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини ҳисобга олиш. экинларни жойлаштиришда далаларни бегона ўтлар билан ифлосланганлик тури ва даражасини ҳисобга олиниши. Ерларнинг юқори маҳсулдорлигини таъминлашда экин майдонларининг рационал структурасининг аҳамияти. Деҳқончиликнинг ўт-қатор оралари ишланадиган тизимида тупроққа ишлов бериш, дон-қатор оралари ишланадиган тизимда тупроққа ишлов бериш. Деҳқончиликнинг дон-шудгор тизимида тупроққа ишлов бериш.

Дехқончиликнинг плодосмен, ўт-далали ва қатор оралари ишланадиган тизимларида тупроққа ишлов бериш. Шўрланган ерларда тупроққа ишлов бериш тизими. Экологизациянинг деҳқончилик тизимидаги ўрни. Деҳқончиликда экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Тупроқ унумдорлигининг агрокимёвий омиллари. Гумуснинг экинларнинг ҳосилдорлигини оширишдаги аҳамияти. Унумдорликни тиклаш, сақлаш ва ошириш чоралари. Тупроқни эрозиядан сақлаш бўйича тадбирлар мажмуаси. Сув эрозияси ва унга қарши кураш чоралари. Шамол эрозияси ва унга қарши кураш чоралари. Қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли организмлардан химоя қилиш тизими. Ҳозирги замон деҳқончилигида бегона ўтлар, зараркунандалар ва касалликларнинг зарарлилик даражаси. Далаларни зарарли организмлар билан ифлосланганлигини аниқлаш, башорат қилиш кураш чораларини режалаштиришнинг асосидир. Олдини олувчи, қирувчи ва махсус кураш чоралари. Уйғунлашган кураш чораларини тузиш ва олиб бориш. Ҳозирги замон технологияларининг биологик асослари. Ҳосилдорлик даражасини асослаш. Фотосинтез жараёнини оптималлаштириш. Экинлар структураси. Интенсив технологияда ўғитлар меъёрини ҳисоблаш. Ҳозирги замон технологияларининг агротехник ва ташкилий асослари. Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари. Хоразмвилояти тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари. Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари. Тошкент вилоятининг тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари. Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари. Навоий ва Самарқанд вилоятлари тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари. Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари тупроқ-иқлим шароити. Бу минтақага қирувчи туманлар ва улардаги қўлланилаётган деҳқончилик тизимларининг хусусиятлари.

Деҳқончиликнинг дон-шудгор, дон-қатор оралари ишланадиган ва бошқа тизимлари. Тупроқда намлик тўплаш, сақлаш ва эрозияга қарши кураш бўйича тадбирлар. Меҳнат жараёнларини оқилона ташкил этиш.

Меҳнатни рағбатлантириш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни ташкил этиш. Меҳнатни ва ташқи муҳитни муҳофаза этиш.

Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш фани бўйича:

Экинларини суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш фанининг мазмуни ва вазифалари. Суғориш хақида умумий тушунчалар. Суғориладиган деҳқончилик ва суғориш тизимларидан фойдаланишнинг тарихи, ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари. Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, суғориш тизимларини такомиллаштириш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга доир Қонунлар, Президент ва Ҳукумат қарорлари ҳамда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Жаҳон мамлакатларида суғориладиган деҳқончилик. Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, суғориш тизимларини такомиллаштириш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳасида атоқли олимларнинг хизматлари. Тупроқдаги сув шакллари (эркин сув, мустаҳкам боғланган, бўш боғланган, буғсимон ва кимёвий бириккан сув) ва уларнинг ўсимликлар учун аҳамияти. Тупроқнинг сўлиш намлиги. Тупроқнинг тўлиқ, чегаравий ва энг кам нам сифимлари, сув бериш, ўтказиш ва кўтариш хусусиятлари, ҳажмий оғирлиги ва уларни суғориладиган деҳқончиликдаги роли. Сув ресурслари. Ер усти сувлари: дарёлар, сойлар, кўллар, сув омборлари. Дарёларнинг сув билан тўйиниши ва уларнинг аҳамияти. Ер ости сувлари. Маҳаллий сув ресурслари: коллектор-зовур, оқова ва чиқинди сувлар. Сув билан таъминланганлик. Сувларнинг сифати ва уларни суғориш учун яроқлилиги. Сув сифатининг тупроқ ва ўсимликларга таъсири. Сув сифатини яхшилаш. Сувларни суғориш учун яроқлилигини аниқлаш услублари. Суғоришнинг тупроқ ва микроиклимга таъсири. Суғориладиган ерларнинг сув режими ва баланси. Суғориш турлари: намиқтирувчи, намиқтирувчи-шўр ювиш, махсус, мунтазам, номун-тазам, лиман суғориш, ялпи (ёппасига) суғоришлар.

Ноёсув давридаги суғоришлар: шудгордан олдин суғориш, шўр ювиш, нам тўплаш мақсадида суғориш, экишдан олдин суғориш, уруғ суви бериш, провакацион суғориш, нам тўплаш-ўғитлаш мақсадида суғориш, совуқ уришига қарши суғориш. Сувнинг ўсимлик ҳаётидаги аҳамияти. Транспирация ва унинг аҳамияти. Ўсимликларнинг сувга муносабати. Сув ва озик моддаларнинг ўзлаштирилиши. Ўсимликларнинг сувга бўлган умумий эҳтиёжи. Ўсимликларнинг сув истеъмол қилиш динамикаси. Тупроқ намли-гига боғлиқ ҳолда ўсимлик органларининг ўсиш тавсифи. Суғориладиган ерларни районлаштириш тамойиллари ва мақсадлари. Иқлим минтақа-лари: шимолий, марказий ва жанубий. Гидрогеологик районлар ва коэффицентлар. Гидро-модуль районлар. Суғориш режими тушунчаси. Мавсумий суғориш меъёри. Суғориш меъёри. Ҳисобий қатлам қалинлиги.

Суғориш сони, суғориш давомийлиги, мавсум давомийлиги, суғоришлар орасидаги давр. Экинларни суғориш режимини белгиловчи омиллар: иқлим, тупроқ, гидрогео-логик ва хўжалик шароитлари, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари.

Суғориш муддатларини белгилаш усуллари: ўсимликларнинг физиологик кўрсаткичлари (баргнинг сўриш кучи, хужайра ширасининг концентрацияси); ўсимликларнинг ташқи белгилари (баргнинг ранги, тургор ҳолати, асосий поянинг ўсиш жадаллиги, гуллаш жадал-лиги); тупроқ намлигига кўра аниқлаш. Экинларни суғориш схемаси. Суғориш гидромодули ва графиги. Табақалаштирилган ва табақалаштирилмаган суғориш гидромодули ва графиги. Ғўзани суғориш режими. Иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар ва гидро-модуль районлар бўйича районлаштирилган ғўза навларини суғориш режими ва ўлчам-лари.

Буғдойни суғориш режими. Иқлим минтақалари, гидрогеологик районлар ва гидромодуль районлар бўйича кузги, баҳори, юмшоқ ва каттиқ буғдойни суғориш режими ва ўлчамлари. Бедани суғориш режими. Иқлим минтақалари ва гидромодуль районлар бўйича бедани суғориш режими ва ўлчамлари. Шолини суғориш режими. Шолини суғориш усуллари, режими ва ўлчамлари. Суғориш техникалари ва усуллари кўллаш шароитлари. Суғориш усуллари: ер юзасидан (эгатлаб, йўлаклаб ва чек олиб бостириб) суғориш; ёмғирлатиб суғориш; тупроқ орасидан суғориш; томчилатиб суғориш; аэрозоль суғориш ва суббирригация. Эгатлаб суғориш техникаси элементлари. Эгатларга сув тақсимлаш техникаси ҳамда машина ва агрегатлари. Ёмғирлатиб суғориш турлари ва уларнинг сифат тавсифи. Ёмғирлатиб суғориш машина ва агрегатлари. Импульсли ёмғирлатиб суғориш. Экинларни тупроқ орасидан суғориш тизими. Тизимнинг афзаллик ва камчиликлари. Тизимни лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга тушириш. Ундан фойдаланиш.

Экинларни томчилатиб суғориш тизими. Тизимнинг афзаллик ва камчиликлари. Тизим-ни лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга тушириш. Ундан фойдаланиш. Аэрозоль суғориш. Ирригация эрозияси ва уни олдини олиш тадбирлари. Суғориш усуллари ва техникасининг техник иқтисодий кўрсаткичлари. Суғоришнинг сувтежамкор илғор хориж технологиялари ва улардан фойдаланиш. Хўжаликлараро ва хўжалик суғориш тизимлари. Очиқ, ёпиқ ва аралаш тизимлар. Сув ўз оқими билан, механик, аралаш типда узатилувчи тизимлар. Кўчмас, ярим кўчма ва кўчма тизимлар. Суғориш тармоқлари. Темир-бетон нов (лоток канал)лар. Муваққат суғориш тармоқлари. Муваққат суғориш тармоқларини суғориш участкаларида жойлаштириш схемалари. Сув йиғиш-ташама (оқова) тармоқлари.

Коллектор-зовур тармоқлари. Шоличилик тизимларининг турлари ва таркибий қисмлари. Сув узатиш тармоқлари. Шоличилик карталари. Карта суғориш тармоқлари. Инженерлик, ярим инженерлик ва ноин-женерлик тизимлар. Шоличилик тизимларида ерларни текислаш. Шоличилик тизимларидан фойдаланиш. Чиқинди сувлардан фойдаланиладиган махсус суғориш тизимларининг ўзига хос хусусиятлари. Чиқинди сувлар билан экинларни суғориш усуллари. Чиқинди сувлар билан ёмғирлатиб суғориш хусусиятлари. Суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфи. Хўжаликларнинг сув эҳтиёжи ва уни аниқлаш услубиятлари. Суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентлари ва уни ошириш тадбирлари. Суғориш тизимларида сув исрофгарчилиги турлари. Сув исрофгарчилигига қарши кураш тадбирлари: ўзанни зичлаш, юмшатиш, кольматаж қилиш, битумлаш, силикатлиш, ўзанга ош тузи билан ишлов бериш; ўзанни махсус экранлар – лой, лой-бетон, бентонит-гил, асфальт-бетон, бетон ва темир-бетон, полимер плёнка қопламалар билан қоплаш.

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш тамойиллари. Экинларни суғориш режими ведо-мости. Экинларни суғориш учун талаб этилаётган декадалик сув миқдорлари ведомости. Хўжаликка сув олиш учун талабнома. Суғоришларни экин қатор ораларига ишлов бериш билан мувофиқлаштириш. Суғориш тизимларида гидрометрия хизмати. Каналларнинг сув сарфини ўлчаш постлари ва услублари. Муваққат суғориш тармоқларида сув ўлчаш: Чиполетти ва Том-сон сув ўлчагичлари, улардан фойдаланиш қоидалари ва сув сарфини аниқлаш. Махсус жадваллардан фойдаланиш. Суғориш тизимлари ҳудудини ташкил этишга қўйилган талаблар. Суғориладиган ерларни текислаш. Ер текислигининг аҳамияти. Ер текислашга қўйилган талаблар. Ер текислаш турлари. Ер текислашларда қўлланиладиган қуроллар. Суғориш тизимини мавсумга тайёрлаш: кузги-қишки ва баҳорда бажариладиган ишлар. Суғориш тизимида канал ва иншоотларни иш ҳолатида тутиб туриш тадбирлари. Суғориш тармоқларининг ишончилиги. Канал, нов каналлар, қувурлар, сув сарфини ростловчи иншоотлар, суғориш машина ва агрегатлари, насос станциялари, кўприклар, қувурли сув ўтказгичлар, ихота дарахтзорлари, йўллар, алоқа линияларини техник назорати, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш. Суғориш тармоқлари, иншоотлари ва техник воситаларини номавсумий даврга тайёрлаш. Суғоришни ташкил этиш: тизимни мавсумга тайёрлаш, тизимда бажариладиган кузги-қишки ва баҳорги ишлар. Сувдан фойдаланиш режаларига тегишли тузатишлар киритиш, суғоришни амалга ошириш. Сувдан фойдаланишнинг ҳисоби ва назоратини юритиш.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 103 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
- 6.«2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат Дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27-ноябрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
- 7.«Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва тадбиркорликни қўллаб қуватлаш йилида амалга оширишга оид давлат Дастури». 2018 йил 22- январдаги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.
- 8.Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида. ЎЗР қонуни. 1993 йил 6- май.
- 9.2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида. ЎЗР Президентининг 2013 йил 29- апрелдаги Фармони (ПҚ-1958).
- 10.Артукметов З.А., Шералиев Х.Ш. Экинларни суғориш асослари. /Дарслик/. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006.–344 б.
- 11.Артукметов З.А. Экинларни суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш. /Маъ-руза матнлари/. Т.: ТошДАУ таҳр.-нашр. бўлими, 2012. – 108 б.
- 12.Бочарин А.В. ва б. Ширкат хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчи уюшмаларнинг гидротехниклари учун ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 117 б.
- 13.Лев В.Т. Орошение риса в Узбекистане. /Учебное пособие/. – Т.: Укитувчи, 1983. – 216 с.
- 14.Лев В.Т., Артукметов З.А. Сточные воды и орошение. /Брошюра/. – Т.: Мехнат, 1990. –112 с.

15. Артукметов З.А., Алланов Х.К. Суғориш технологиялари ва улардан фойдаланиш. /Ўқув қўлланма/. Т.: ТошДАУ тахр.-нашр. бўлими, 2010. – 132 б.

16. Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва қарорлар. I ва II қисмлар Т.: 1998.

17. Charles I. Mohler and Sue Ellen Johnson. Crop rotation on organic farms. A planning manual. USA. New York, 2014.

18. Астанов Р.А, Шодмонов М, Мадраимова С. «Система земледелия».

19. Норкулов У, Шералиев Х «Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси» Т. 2003.

20. Саматов Ғ.А, Ёдгоров Ж.Ё, Рустамова И.Б. «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш». Т.: 2005.

21. Холиқов Б.М. «Янги алмашлаб экиш тизимлар ва тупрок унумдорлиги». Т. 2010.

22. Пупонин А., Баздырев Г.И., Лыков А.М. ва бошқалар. «Зональные системы земледелия» М.: «Колос» 1995.

23. Эргашев А., Эргашев Т. «Агроэкология» Т. 2006

24. Бобохўжаев И., Узоқов П. “Тупрокшунослик” Т.: 1995

25. Мирзажанов К., Назаров М., Зокирова С., Юлдашев Ғ. «Тупрок муҳофазаси» Т.: «Fan va texnologiya» 2004

26. Эрматов А.К. «Суғориладиган деҳқончилик» Т.: «Ўқитувчи» 1983.

27. Артукметов З., Шералиев Х. Экинларини суғориш асослари. Т. 2007 йил.

28. Мусаев Б. «Агрокимё» Т. «Шарқ» 2001.

29. Тўхташев, С. Азимбаев, Е. Бердибоев «Қишлоқ хўжалик мелиорацияси фанидан амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари», Т., ТошДАУ, 2009.

30. Тўхташев Б., Т.Қарабаева, Ю.Аширов, Ж.Эшонқулов “Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси ва ер тузиш” фанидан амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари, “Ijod press” нашриёти Тошкент-2019 й.

31. Ш.Ахмурзаев., Б.Насиров, У.Чаршанбиев., Ш.Хикматов., Ж.Эшонқулов “Минтақавий деҳқончилик тизимлари” фанидан амалий машғулотлар “Lesson press” нашриёти Тошкент-2020 й.

Интернет сайтлар

<http://uznix.narod.ru>

<http://www.floranimal.ru/lists/a.htm/>

www.ziyo.net.uz

www.natlib.uz

**Магистратурага киришда ўтказиладиган синов фани бўйича
кирувчилар билимини баҳолаш
МЕЗОНИ**

Магистратурага қабул Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқиши кўчиши, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли Қарор билан тасдиқланган 2-илова “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом” асосида амалга оширилади.

1. Магистратурага кирувчилар кириш синовларини (қишлоқ хўжалиги ОТМларида) ўқитиладиган тилар, яъни ўзбек ва рус тилларида топширадилар.

2. Магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича махсус фандан синов.

Магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фандан синов ўтказилади (барча мутахассислик фанларда кириш имтиҳонлари ёзма усулда) 1 та саволга 20 баллдан тўғри келади жами 5 та саволдан максимал 100 баллни тўплаш мумкин.

№	Умумий балл	Баҳо	Магистратурага кирувчининг билим даражаси	Хусусий балл
1.	17,2-20	Аъло	Қўйилган саволга жавоб мазмунан аниқ ёритилган, унинг мазмун ва моҳияти тўлиқ очиб берилган, жавобда мантиқий яхлитликка эришилган.	5,5-6
			Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар таҳлили, унинг амалий самаралари, натижалари бўйича мустақил, ижодий фикрнинг мавжудлиги.	5,5-6
			Мантиқий кетма-кетликка эришилганлик, савол бўйича умумий хулосалар чиқарилганлиги.	5-6
			Имло ва статистик хатоларга йўл қўйилмаган	1,2-2
2.	14,2-17	Яхши	Берилган саволга тўғри жавоб ёзилган, аммо иқтисодий кўрсаткичлар, саналарда	4,5-5

			ноаниқликлар ва чалкашликларга йўл кўйилган.	
			Саволга жавоб ёзишда абитуриентнинг мустақил фикрлаш қобилияти сезилади.	4,5-5
			Жавобларда ижодий ёндошув мавжуд.	4-5
			Муаммони аниқ мисоллар билан таҳлил қилиш қобилиятига эга.	1,2-2
3.	11-14	Қониқарли	Жавобда масаланинг моҳияти тушунтирилган, бироқ мазмун ва натижалар юзаки ёритилган.	3,5-4
			Жавобда фикрлар тарқоқ.	3,5-4
			Мантиқий кетма-кетлик мавжуд эмас.	3-4
			Берилган савол бўйича умумий тасаввурга эга, лекин таҳлил етарли эмас.	1-2
4.	0-10,8	Қониқарсиз	Саволга умуман жавоб ёзилмаган. Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас. Нотўғри жавоб берилган. Ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчирилган.	0-10,8

3. Магистратурага мутахассислик бўйича махсус фандан кириш синови учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам тўплаганлар магистратурага қабул қилинмайди.

МАСЪУЛ КОТИБ:



Т.ХУШВАҚТОВ